

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА УНИ АНГЛАШ МУАММОСИ, ИЖТИМОИЙ- ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР

Д.Мухаммадиев

Навоий давлат университети талабаси

MAQOLA MALUMOTI

ANNOTATSIYA:

MAQOLA TARIXI:

Received: 11.02.2026

Revised: 12.02.2026

Accepted: 13.02.2026

*Мақолада тарихий ҳақиқат муаммоси
ижтимоий-фалсафий тафаккур доирасида
таҳлил этилди.*

KALIT SO'ZLAR:

Тарихий ҳақиқат муаммоси ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг энг мураккаб ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Тарих фақат ўтмиш воқеаларини тасвирлаш эмас, балки уларнинг мазмун-моҳиятини англаш, сабаб-оқибат боғланишларини очиқ бериш ва муайян назарий хулосалар чиқариш жараёнидир. Шу маънода, тарихий ҳақиқатни англаш масаласи онтологик ва гносеологик муаммолар билан узвий боғлиқдир.

Онтологик жиҳатдан тарихий ҳақиқат ўтмишда реал содир бўлган ижтимоий воқеликка таянади. Тарихий воқелик инсон фаолияти, ижтимоий муносабатлар, маданий ва сиёсий жараёнлар мажмуасидан иборат. У объектив характерга эга бўлса-да, унинг инъикоси ҳар доим билиш субъекти орқали амалга ошади. Шу боис тарихий ҳақиқат – воқеликнинг тўғридан-тўғри нусхаси эмас, балки илмий реконструкцияси ҳисобланади.

Тарих фанини ўрганиш жараёнида ижтимоий-фалсафий билиш ва фалсафий тафаккур муҳим методологик асос сифатида намоён бўлади. Чунки тарих - бу фақат ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар йиғиндиси эмас, балки жамият тараққиёти, инсон

фаолияти ва ижтимоий муносабатларнинг узвий тизимидир. Шу нуқтаи назардан, тарихий билим ижтимоий билиш жараёни орқали шаклланади ва чуқур мазмун касб этади. Ижтимоий-фалсафий билиш тарихий воқеликни англаш, таҳлил қилиш ва баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-фалсафий тафаккур ҳам онгнинг инъикоси, маълум бир ғоялар, қарашлар мажмуаси, субъектив воқеликдир.

Тарихий ҳақиқат ва уни англаш “билиш” билан боғлиқ методологик жараён дур. Тарихий воқеа ҳодисаларни ижтимоий-фалсафий билиш, тушуниш тарих тамойиллари асосида таҳлил қил қилишни тақозо қилади. Ижтимоий-фалсафий билиш - бу жамият ҳаётидаги ижтимоий жараёнлар, муносабатлар ва қонуниятларни англашга қаратилган билиш шаклидир. У инсоннинг ижтимоий тажрибаси, кадриятлари, манфаатлари ва дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий-фалсафий билиш объектив воқеликни тўла акс эттириш билан бирга, субъектив омилларни ҳам ўзида мужассам этади. Шу боис у тарихий билишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ижтимоий ҳодисалар табиий эмас, балки маданийдир. Чунки улар инсон билиш туфайли ҳосил бўлган билимлардир. Фалсафага оид қомусий луғатда: “Билиш – оламнинг инсон онгида инъикос этиш жараёни”[1], - деб таъриф берилган.

Инсон миясида акс этадиган воқелик мазмунининг сақланиши, унга қайта ишлов берилиши, авлоддан-авлодга узатилиши жараёнлари, онгнинг ижодий хусусиятини, фаоллигини, яъни билувчилик қобилиятини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан, билиш инсониятнинг унинг онги туфайли воқеликка чексиз яқинлашиб боришидир[2]. Билим бу ҳаётини тажриба, инсон онгида тўпланган ахборотлар мажмуи, билиш натижасидир. Инсон онгининг маълумотларни идрок этиши, кундалик – яъни бирор бир вазифани ўз истаги ёки истамаслиги оқибатида бажариб, шу бажарилган вазифани идроки ва ўзи истаган ҳолда мусақил ёки бошқаларнинг ёрдами билан информацияга эга бўлиш бу назарийдир, у тизимлаштирилганлиги ва мундарижасига эалиги билан кундалик онгдан фарқ қилалди. Худди шундай уларнинг ижодий хусусиятлари ҳиссий ва эмпирик билиш дейилади. Назарий онг тизимлашганлиги, мундарижасига эалиги билан кундалик онгдан фарқ қилади. Назарий идрок этишда объектнинг моҳиятга яқин борилади. Мафкура ва фан назарий онгнинг кўринишларидир. Мафкуранинг илмий қисми фан тизимига ҳам ўтади ва аксинча, фаннинг муайян тармоқлари мафкуравий ҳисобланади. Фалсафа фанлари доктори, профессор Х.Саломова - “Билиш жараёнининг илк босқичи жонли мушоҳададир. Жонли мушоҳада орқали нарса, ҳодисаларнинг унча мураккаб

бўлмаган жиҳатлари, хосса-хусусиятлари тўғрисидаги бевосита маълумотлар қўлга киритилади. Улар заминида билишнинг юксак босқичи бўлмиш ақлий билиш вужудга келади”[3] - деб такидлайди. Билиш илмий ёки ноилмий кўринишларда бўлади. Шунингдек, билиш тизимида “ижтимоий билиш” тушунчаси ҳам ишлатиладики, бу унинг объекти жамият – кишилик тарихи эканлигини[4] англатади. Ижтимоий-фалсафий билиш, ҳуқуқий ёки иқтисодий, ахлоқий ёки сиёсий, эстетик билишда марказий нукта жамият масалалари бўлиб, улар ижтимоий билишнинг шакллари дир[5]. Ижтимоий билиш табиий-илмий билишга нисбатан ишлатилади. Ҳар соҳанинг ўз тарихи бор. Шунинг учун ҳам “тарихий билиш” тушунчасидан фойдаланилади. Тарихий билиш кенг маънода барча билиш турларида ўтмишни хаёлан тиклаш мақсадида тушунилади. Аммо, биз уни ижтимоий фанларда кишилик тарихини ақс эттириш маъносида ишлатамиз. Тарих фанлари тарихий билишнинг кўринишларидир.

Билиш ва тарихий билиш бу - амалиёт, тарихий амалиёт бу - ҳақиқат, тарихий ҳақиқатлар ҳам маданий ҳодисалардир. Чунки, уларга онглилик ва мақсадга мувофиқлик хосдир. Улар айна вақтда тарихий ҳақиқатни излаш мақсадида кишиларнинг ўтмиш воқеликларига тарихий реконструкция кўринишида фикрий ишлов беради ва бу фикрий илмий жараённинг натижалари ҳам маданийдир. Немис файласуфи К.Ясперс “Тарихнинг мазмуни ва мақсади” номли асарида тарихий билимларнинг мақсади – бизнинг бугунимизни (аслимизни) аниқлашдир[6] - дейди.

Тарихий билиш, хусусан тарихий яхлитликни билиш ижтимоий билишнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у ижтимоий фалсафий билишни тақозо этади[7]. Чунки, ижтимоий-тарихий яхлитлик масаласи тарих фалсафасининг ҳам асосий масалаларидандир. “Инсон ақли - дейди Б.Л.Губман – тарихнинг яхлитлигини тушунишга қодирми? Унинг бирлиги ва хилма-хиллигининг асоси нимада? Унинг йўналганлиги ва гуманистик мазмуни қандай? Кимки жаҳон тарихий жараёнининг маъносини излашга ҳаракат қилар экан, ҳар кимнинг олдида ушбу саволларга жавоб туради”[8]. Тарихий билишнинг асосий хусусияти ўтмишни тиклаш ва ҳозир замон билан боғлаш ҳамда келажакни прогноз қилишга ёрдам беришдир. Бизнингча, жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланишининг асосини маданий борлиқ ташкил этади. Маданий борлиқнинг ривожланиш даражасини тарихий билиш, тадқиқотчини объективликка яқинлаштиради. Тарихга бундай ёндашиш фақат объективликка, балки

шу билан бирга ўтмиш жамиятларнинг тизимлилигига ва конкретлилигига асосланган тарихий ҳақиқатни шакллантиришга ёрдам беради[9].

Хулоса қилиб айтганда, тарихий билишда ўтмишдаги объект ҳаракатга келиши керак. Бунга фақат фалсафий тафаккур орқали эришилади. Тарихий билишнинг иккинчи хусусияти эса узоқ ўтмиш ҳозирги замондан туриб шарҳланади. Бунда маълум тарихий давр маданий борлиғи олинб, идеал тарзда моделлаштирилади. Муайян мамлакат ижтимоий-тарихий яхлитликда олинади, тарихий жараёнлар унга боғлиқ ҳолда методологик тамойиллар (тарихийлик, ҳолисийлик, илмийлик)га асосан таҳлил қилиниб ўрганилади. Бунда ўша тарихий давр, мамлакат маданий борлигининг томонлари – инсон ва унинг бирликлари, моддий маданият, жамият сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий маданиятлари функционал ҳолатларига кўра корреляцияда, бир-бирини тақозо қилувчи омиллар сифатида таҳлил қилинади. Тарихни бундай таҳлил қилиш ўша давр воқеа ҳодиларини онтологик манзарасини ҳосил қилишга имкон беради. Тарихий тараққиёт ўша давр ижодкорлиги натижалари, давлатчилик эса уларнинг амал қилишини, ўзлаштирилиши, истеъмол қилиниши ва улардан фойдаланишларнинг эҳтиёжларга мос ёки зид келишлари асосида аниқланади ва изоҳланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 55.
2. Рустамбоев М.Х., Абдухаликов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 79.
3. Саломова Х.Ю., Иноятов А.Ш., Саломова Н.М. Ибн Синонинг тиббий – илмий мероси. Ўқув қўлланма. Самарқанд: СамДУ таҳририй-нашриёти, 2021. – Б. 46.
4. Политико-мифологическая детерминация "Глубины" исторической памяти. // Саратовский государственный университет №11. 2015. – С. 9-20. <http://elibrary.ru/item.asp?id=25657696>
5. Турдибоев Б. Ижтимоий – тарихий яхлитлик ва жараёнларни ижтимоий-фалсафий билишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тошкент: EXTREMUM PRESS, 2011. – Б. 7.

6. Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Политиздат, 1991. // Алимова Д. Тарих фани методологияси. – Тошкент. Ўзбекистон файласуфлар илмий жамияти. 2018. – Б. 122.

7. <http://sd2.ucebalegkotu/docs/93900/index-12875.html>

8. Губман Б.Л. Смысл истории: Очерки современных западных концепций. – Москва: Наука, 1991. – С. 13.

9. Баринаева Е.П., Иполитов Г.М., Бабкова Е.Ю. Основы теории и методологии исторической науки: Учебное пособие в схемах. – Москва: СИ РГТУ, 2010. – С. 10.

